

**«Ўзагросуғурта» АЖ
2017 йил «30» июндаги
акциядорларининг навбатдаги
йиллик
умумий йиғилишининг 40-сонли
баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
акциядорлик жамияти
ахборот сиёсати тўғрисидаги
НИЗОМ**

Тошкент -2017

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар

II. Жамият ахборот сиёсатининг мақсади, тамойиллари ва йўналишлари

III. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ жамият томонидан ошкор этилиши мажбурий бўлган очик ахборотни ошкор этиш қоидалари ва унга бўлган ёндашувлар

IV. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ жамият томонидан ошкор этиладиган қўшимча ахборотлар рўйхати ва уларни ошкор этиш тартиби

V. Жамият ижроия органининг ахборотни ошкор этиш бўйича мажбуриятлари

VI. Акциядорларга ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

VII. Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари ва мансабдор шахслари томонидан ахборотни ошкор этиш

VIII. Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари, жамият ходимлари ва мансабдор шахсларнинг манфаатдор шахслар билан ўзаро ахборот алмашиш тартиби

IX. Ахборотнинг махфийлиги

X. Жамият ахборот сиёсатига риоя этилишининг назорат қилинишини таъминлаш бўйича тадбирлар

XI. Яқуний қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу «ЎЗАГРОСУҒУРТА» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) қуйида келтирилган қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави, шунингдек Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси асосида ишлаб чиқилган.

- Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари»;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги йилдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар»

2. Ушбу Низом Жамият ахборот сиёсатининг мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган очик ахборотни ошкор этиш қоидаларини ва унга ёндашувларни, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамият томонидан ошкор этиладиган қўшимча ахборотлар рўйхатини, Ижроия органининг Жамият ҳақида ошкор этилиши керак бўлган ахборотни ошкор этиш бўйича мажбуриятларини, акциядорларга ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тартибини, шунингдек манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиш тартибини ва ахборотни махфий ахборот сирасига киритиш мезонларини белгилайди.

3. Ушбу Низом Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари риоя этиши шарт бўлган ҳужжат ҳисобланади.

II. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

4. Акциядорларнинг, инвесторларнинг, мижозларнинг, кредиторларнинг, ҳамкорларнинг, мол етказиб берувчиларнинг, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг, давлат органларининг, жамоатчиликнинг ва бошқа манфаатдор шахслар (кейинги ўринларда – манфаатдор шахслар)нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган ахборот эҳтиёжини қондириш йўли билан Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш **Жамият ахборот сиёсатининг мақсади** ҳисобланади.

5. Мунтазамлик, тезкорлик, фойдалана олишлик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилик, мутаносиблик ва ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги Жамият ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисидаги ахборотни доимий асосда тақдим этишга йўналтирилади.

7. Тезкорлик тамойили Жамиятнинг манфаатдор шахсларни қисқа муддатларда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек унинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим ҳодиса ва фактлар тўғрисида хабардор қилишини англатади.

8. Ахборотдан фойдалана олишлик деганда, манфаатдор шахсларнинг Жамиятнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиладиган ахборотдан эркин, бажарилиши қийин бўлмаган ва барча нарсага баравар таъсир кўрсатадиган тарзда фойдаланишини таъминлайдиган тарқатиш каналлари ва усулларида фойдаланиши тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга амалдаги ҳолатга мувофиқ ўзи тўғрисидаги салбий ахборотни ошкор этишдан чекинмаган ҳолда, Жамият тўғрисида, Жамият фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлақонли тасаввур шакллантиришга имкон берадиган ҳажмдаги ахборотни тақдим этишини англатади.

10. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар таъминлашини англатади.

11. Мутаносиблик тамойили Жамиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ўртасида оқилона мувозанатга риоя этилишини ва унинг тижорат манфаатлари таъминланишини кўзда тутди. Бунда қуйидагилар мажбурий шарт ҳисобланади:

а) махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

б) қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тарқатилиши ёки тақдим этилиши Жамиятнинг молиявий

инструментлари ва маҳсулотлари нархига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш.

12. Ҳимояланганлик тамойили тижорат сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган ёки махфий ахборот ҳисобланадиган ахборотдан қонун ҳужжатларида рухсат этилган усулларда ва воситаларда фойдаланишни назарда тутати.

13. Жамиятнинг ахборот сиёсати қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

а) Жамият томонидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотларни ошкор этиш;

б) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамият томонидан қўшимча ахборотларни ошкор этиш;

в) акциядорларга ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш;

г) манфаатдор шахсларга ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш;

д) Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари ва мансабдор шахслари томонидан ахборотни ошкор этиш.

III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОШКОР ЭТИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН ОЧИҚ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ ВА УНГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР

14. Ўзбекистон Республикасининг «Акцидорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ (106-модда «Жамият тўғрисидаги ахборот») Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ахборотни ошкор этиш қимматли қоғозлар бозорида манфаатдор шахсларнинг ахборотни қайси мақсадда олишидан қатъи назар, мазкур ахборотдан унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш ҳисобланади.

16. Жамият ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акцидорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини ўз ичига олган бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор этади.

17. Ахборотни мажбурий равишда ошкор этиш қуйидагича амалга оширилади:

- а) корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);
- б) фонд биржасининг расмий веб-сайтида;
- в) Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида; г) оммавий ахборот воситаларида.

18. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ошкор этилиши мажбурий хисобланган қуйидаги ахборот ва ҳужжатлар ошкор этилади:

а) қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар, эмиссия рисоласидаги қуйидаги ахборотлар;

б) эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган органлар, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

в) фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари;

г) мустақил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изоҳлари билан;

д) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари. Ушбу ахборот қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланишига камида икки ҳафта қолганида ошкор этилади, бундан қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш мустасно;

е) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

ж) Жамиятнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунларига доир ҳисоботи;

з) Жамиятнинг фаолиятидаги муҳим фактлар ҳақидаги хабар.

Жамият юқорида қайд этилган ахборотни «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари»да (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган муддатларда ва шаклда ошкор этади.

19. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган ва (ёки) унда бўлган ҳолларда, Жамият қуйидаги ахборотларни фонд биржасининг расмий веб-сайтида қўшимча равишда ошкор этади:

- а) ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ахборотлар;
- б) Жамиятнинг Устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар;
- в) биржа бюллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ зарурий ахборотлар.

20. Қуйидаги ахборотлар **оммавий ахборот воситаларида** мажбурий равишда ошкор этилиши шарт:

а) акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар. Ушбу ахборот акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин эълон қилинади;

б) халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисобот, унинг аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудити ўтказилгандан кейин. Ушбу ахборот акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санага кечи билан 2 (икки) ҳафта қолганда эълон қилинади;

в) акциядорларга Жамиятнинг жойлашган ери (почта адреси) ва электрон почта адреси ўзгарганлиги тўғрисидаги билдиришнома. Ушбу ахборот у юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида ошкор қилинади;

г) Жамиятнинг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиш таклифи. Ушбу ахборот акциялар ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичида ошкор қилинади;

д) Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш тўғрисидаги ахборот. Ушбу ахборот акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан 10 (ўн) кун қолганда ошкор қилинади;

е) Жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборот. Ушбу ахборот эмитент олий бошқарув органининг баённомаси тузилган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида ошкор қилинади;

Жамият ошкор этилиши мажбурий бўлган қуйидаги ахборотни **ўзининг расмий корпоратив веб-сайтида** ошкор этади:

а) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган ахборотлар;

- б) йиллик ҳисобот;
- в) чорак ҳисоботи;
- г) муҳим фактлар;
- д) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

Ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотлар Жамият веб-сайтида давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда ошкор этилиши мумкин.

IV. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОДЕКСИ ТАВСИЯЛАРИГА МУВОФИҚ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОШКОР ЭТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

21. Жамият ҳаттоки шундай ахборотни ошкор этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса ҳам, ахборотни ошкор этишда расмиятчилик билан ёндашмаслиги ва ўз фаолияти ҳақидаги муҳим ахборотни ошкор этиши зарур.

Жамият нафақат ўзи ҳақидаги ахборотни, балки у учун муҳим аҳамиятга эга унинг назорати остида бўлган юридик шахслар тўғрисидаги ахборотларни ҳам ошкор этиши лозим.

22. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар билан бир қаторда қуйидаги ахборотларни қўшимча ошкор этиши шарт:

а) Жамиятнинг миссияси, узоқ муддатли ва ўрта муддатли стратегияси, корпоратив қадриятлари, вазифалари ва Жамиятда қабул қилинган сиёсатлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) Жамиятнинг кутилаётган соф фойдасини кўрсатган ҳолда, инвестиция лойиҳалари шаклида амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш бўйича режалари;

в) мавжуд бўлган тақдирда, акция котировкалари бўйича ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари;

г) тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда ва дивидендлар миқдорини асослаш, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтирилишини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

д) мавжуд бўлган тақдирда, Жамият бизнеси турлари бўйича капитал миқдори кўрсаткичлари ва Жамият капиталининг ушбу кўрсаткичларнинг аҳамиятини асослаган ҳолда, ўртача ҳисобланган миқдори;

е) Ижроия органи тўғрисидаги, шу жумладан ушбу Жамиятдаги иш

даври тўғрисидаги маълумот;

ж) Жамият ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари;

з) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари ва бу борада қарор қабул қилиш, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисидаги ахборот;

и) Жамиятнинг молиявий фаолияти ва молиявий ҳолати тўғрисида кўшимча ахборот, Жамият капиталининг тузилмаси ҳақида маълумот, корпоратив бошқарув ҳолати ҳақида маълумот, Жамиятнинг ижтимоий ва экологик жавобгарлиги соҳасидаги маълумотлар.

23. Жамият Жамиятнинг молиявий фаолияти ва молиявий ҳолати ҳақидаги қуйидаги ахборотни кўшимча ошкор этиши шарт:

а) халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган жорий йилнинг олти ойидан таркиб топган ҳисобот даври учун оралиқ молиявий ҳисобот, кенг қамровли аудиторлик текшируви натижалари тўғрисидаги ҳисобот ёки аудиторлик хулосаси билан бирга;

б) Жамият ижроия органининг Жамиятнинг йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботи бўйича тушунтиришлари, шу жумладан унинг молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари таҳлили, рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили, активлар ва пассивлар таркиби ва тузилмасидаги ўзгаришларни баҳолаш, активларнинг жорий ва келгусидаги ликвидлигини баҳолаш, Жамиятнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар ва келгусида Жамият фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жараёнлар баёни;

в) Жамият фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча муҳим хатарлар тўғрисидаги маълумотлар;

г) Жамиятнинг ва унинг назорати остидаги юридик шахсларнинг муҳим битимлари (шу жумладан, Жамият томонидан, унинг назорати остидаги бир ва (ёки) бир неча юридик шахслар томонидан аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар) тўғрисидаги маълумотлар;

д) Жамият учун муҳим аҳамиятга эга назорат остидаги юридик шахсни назорат қилиш даражаси ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот;

е) Жамиятнинг ва Жамият учун муҳим аҳамиятга эга назорат остидаги ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган бошқа муҳим ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар.

24. Жамият учун муҳим аҳамиятга эга (муҳим назорат остидаги юридик шахслар) назорат остидаги юридик шахслар деганда, ҳар бирига активларнинг консолидациялашган қийматининг камида беш фоизи, ёки Жамиятнинг охириги консолидациялашган молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра консолидациялашган даромаднинг камида беш фоизи

тўғри келадиган Жамиятнинг назорати остидаги ташкилотлар, шунингдек Жамият ва унинг назорати остидаги юридик шахслар таркибига кирадиган ташкилотлар гуруҳининг молиявий ҳолатига, фаолиятининг молиявий натижаларига ва молиявий ҳолатининг ўзгаришига муҳим таъсир кўрсатадиган Жамиятнинг назорати остидаги бошқа ташкилотлар тушунилади.

25. Жамият капитал тузилмаси ҳақидаги қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор этиши шарт:

а) Жамият акциядорларининг сони ҳақидаги маълумот;

б) Жамият акцияларининг 20 фоизидан кўпига эгалик қиладиган акциядорлар ҳақидаги маълумот;

в) овоз берувчи акцияларнинг акциялар тоифаси(тури) бўйича тақсимланган ҳолдаги сони тўғрисидаги, шунингдек Жамиятнинг ва унинг назорати остидаги юридик шахсларнинг тасарруфида бўлган акцияларнинг сони тўғрисидаги маълумот;

г) бевосита ёки билвосита акцияларга эгалик қиладиган, ва (ёки) акциялар бўйича овозларни тасарруф этадиган, ва (ёки) Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган Жамият акциялари бўйича наф олувчи ҳисобланадиган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

д) Жамият ижроия органининг Жамият томонидан ошкор этилганидан бошқа Жамиятда 5 фоиздан ортиқ акцияларга эгалик қилинадиган улушлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризаси;

е) айрим акциядорлар томонидан уларнинг Жамият устав капиталидаги иштирокига номутаносиб равишда, шу жумладан акциядорлик келишувлари асосида назорат даражасини олишлари ёки олиш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

26. Жамият корпоратив бошқарув соҳасида қуйидаги ахборотни қўшимча ошкор этиши шарт:

а) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборот. Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, Жамият "comply or explain" («риоя қил ёки тушунтир») халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этади;

б) дивидендларни ҳисоблашнинг шаффоф механизми;

в) манфаатлар тўқнашуви юзага келишга сабаб бўлган ҳолатлар баёни;

г) Жамиятда корпоратив бошқарув ҳолатини баҳолаш натижалари, баҳолашни ўтказган мустақил ташкилот хулосаси билан биргаликда;

д) бошқа ахборот.

27. Жамият ижтимоий ва экологик жавобгарлик соҳасида қуйидаги ахборотни қўшимча ошкор этиши шарт:

- а) Жамиятнинг ижтимоий ва экологик соҳадаги сиёсати;
- б) техник аудит, сифат назорати тизими аудити натижалари, сифат менежменти тизимини халқаро стандартлар талаблари мувофиқ сертификатлаштириш натижалари.

28. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ қўшимча ахборотни ошкор этиш қуйидаги ахборот каналлари орқали амалга оширилади:

- а) Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;
- б) фонд биржасининг сайтида;
- в) оммавий ахборот воситаларида;
- г) ахборотни ошкор этиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда.

Жамият акциядорлар, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга қулайлик яратиш мақсадида Жамиятнинг расмий веб-сайтини давлат тилида мавжуд бўлган барча ахборотни тегишли тилга таржимаси билан биргаликда жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, сайтнинг инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версиясини яратиш йўли билан такомиллаштиришни таъминлайди.

29. Қўшимча ахборотлар, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишларида ошкор этилиши мумкин. Кузатув кенгашига ва Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари тўғрисидаги ахборот Акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор этилади ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

30. Жамият қонун ҳужжатларида ахборотни ошкор этиш назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилишини таъминлайди.

V. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

31. Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ мажбурий ва Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ қўшимча ахборотни тўплаш, тайёрлаш ва ошкор этиш Жамиятнинг акциядорлар ва манфаатдор шахслар билан корпоратив муносабатларни юритадиган тузилмавий бўлинмаси (бошқармаси, бўлими, шўъбаси) томонидан амалга оширилади.

32. Тегишли ахборотни ўз вақтида сифатли тайёрлаш ва ошкор этиш учун Ижроия органи раҳбари буйруғи билан юқорида кўрсатилган тузилмавий бўлинманинг Жамиятнинг бошқа тузилмавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги Регламент тасдиқланади.

33. Ижроия органи Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати аъзолари ва Корпоратив маслаҳатчи томонидан тегишли ахборот ва ҳужжатларни Жамиятнинг юқорида кўрсатилган тузилмавий бўлинмасига ўз вақтида тақдим қилинишини ташкил этади.

34. Ижроия органи Жамиятнинг барча тузилмавий бўлинмалари томонидан тегишли ахборот ва ҳужжатларни Жамиятнинг юқорида кўрсатилган тузилмавий бўлинмасига ўз вақтида тақдим қилинишини ташкил этади.

35. Ижроия органи раҳбари ошкор этиладиган ахборотнинг ўз вақтидалиги, тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

36. Ижроия органи раҳбари ҳар чоракда Кузатув кенгаши мажлисларида ахборотни ошкор этиш бўйича талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот беради.

VI. АКЦИЯДОРЛАРГА АХБОРОТ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

37. Акциядорларнинг ахборот ва Жамият ҳужжатларидан, шу жумладан Жамият ошкор этмайдиган ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқи Жамиятнинг назорат юритувчи шахслари ва унинг бошқарув органлари аъзоларининг жавобгарлигини таъминлаш механизмнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади, бу эса Жамият акциядорларига Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш бўйича уларга кўрсатиладиган талабларни асослашга имкон беради.

38. Жамият томонидан акциядорларга ахборот тақдим этишда, муайян акциядорларнинг манфаатлари ва унинг рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим тижорат ахборотининг сақланишидан манфаатдор бўлган Жамиятнинг манфаатлари ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя этилишини таъминлаш тавсия этилади.

39. Жамиятнинг миноритар акциядори ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги зарур.

40. Жамият қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ акциядорларга мажбурий ахборотни тақдим этиши шарт.

41. Мажбурий ахборот акциядорларга оммавий ахборот воситалари, электрон почта, ёзма билдириш, шунингдек акциядорларнинг сўровлари асосида билдириш йўли билан тақдим этилади.

42. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ акциядорларга тақдим этиладиган мажбурий ахборотлар рўйхатига қуйидагилар киради:

а) қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи. Ушбу ҳужжат билан Жамиятнинг қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш тўғрисидаги

хабарда кўрсатилган манзил бўйича танишиш, ёки сўров асосида хужжатнинг нусхасини олиш мумкин;

б) Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар. Ушбу ахборот Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин акциядорларга электрон почта орқали юборилади;

в) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишдаги ахборот (Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Тафтиш комиссияси (Тафтишчи)нинг ва аудиторлик ташкилотининг Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича хулосаси, Жамият Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси ва ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси(тафтишчилар) аъзолигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар, Жамият Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки янги таҳрирдаги Жамият Уставининг лойиҳаси ва ҳоказолар). Ушбу ахборот билан акциядорлар Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда кўрсатилган манзил бўйича танишишлари, ёки сўров асосида олишлари мумкин;

г) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўришдаги ахборот. Ушбу ахборот билан акциядорлар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда кўрсатилган манзил бўйича танишишлари, ёки сўров асосида олишлари мумкин;

д) Жамиятнинг жойлашган ери (почта адреси) ва электрон почта адреси ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот. Ушбу ахборот ОАВда билдириш эълон қилиш йўли билан тақдим этилади.

е) Жамият томонидан ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олиш таклифи ҳақидаги ахборот. Ушбу ахборот акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали тақдим этилади;

ж) Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларни олиши ва олиш шарт тўғрисидаги ахборот. Ушбу ахборот акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда оммавий ахборот воситаларида

эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида ахборот жойлаштириш орқали тақдим этилади;

з) акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот. Ушбу ахборот уларга акцияларнинг Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай, ёзма билдириш юбориш йўли билан тақдим этилади;

и) Жамият молия-хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот. Ушбу ахборот акциядорларнинг сўрови асосида тақдим этилади.

43. Жамият шунингдек, акциядорларга Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ қўшимча ахборотларни тақдим этади, тижорат сири ва бошқа махфий ахборотлар бундан мустасно.

44. Акциядорларга қўшимча ахборот сўров асосида тақдим этилади.

45. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ акциядорларга тақдим этиладиган қўшимча ахборотлар рўйхатига қуйидагилар киради:

а) кун тартиби бўйича, шу жумладан Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартиби бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар. Ушбу ахборот Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга тақдим этилади;

б) акциядорлик капиталининг тузилмаси ҳақидаги ахборот;

в) Жамиятнинг назорати остидаги юридик шахслар ҳақидаги ахборот. Жамият акциядорларга бундай ахборотни тақдим этиш учун Жамиятнинг қўл остидаги тегишли ташкилотдан бундай ахборотни олиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатни амалга ошириши лозим;

г) акциядорларга асосли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар, тижорат сири, хизмат сири ва бошқа махфий ахборотлар бундан мустасно.

46. Акциядорларнинг ахборотдан ва Жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби акциядорлар учун бажаралиши қийин бўлмаслиги зарур.

47. Жамият акциядорлар билан алоқаларни соддалаштириш мақсадида ўзининг корпоратив сайтида ёзма ёки электрон сўровлар, шу жумладан акциядорларнинг алоқа маълумотлари ва банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар юборилиши мумкин бўлган манзилларни кўрсатади.

48. Жамият унинг техник имкониятларини инобатга олган ҳолда, маълумотлардан ва Жамият ҳужжатларидан фойдаланиш имконини тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборишнинг акциядорлар учун қулай тартибини ташкил этади (алоқанинг ва электрон усулда ахборот алмашишнинг замонавий усулларида фойдаланишни тартибга солади).

49. Жамият акциядорларга маълумотларни ва ҳужжатларни акциядорлар учун қулай усулда ва қулай шаклда, шу жумладан электрон маълумот ташувчилардан ва алоқанинг замонавий усулларида фойдаланган (ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим этиш тўғрисида талабнома юборган акциядорларнинг уларни тақдим этиш шаклига, ҳужжатлар нусхасининг ишончилигини тасдиқлашга ва уларни етказиб бериш усулига бўлган истаklarини инобатга олган) ҳолда тақдим этади.

50. Жамият акциядорларига ахборот тақдим этиш бўйича мажбуриятлар Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатларни юритадиган тузилмавий бўлинмаси(бошқармаси, бўлими, шўъбаси)га юклатилади.

51. Маълумот тақдим этиш бўйича келиб тушадиган барча сўровлар акциядорлар сўровларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги махсус журналда қайд этилади.

52. Акциядорнинг ҳужжатларни фойдаланишга бериш ёки ҳужжатлар нусхасини тақдим этиш тўғрисидаги сўровида босма хатолар ва бошқа муҳим бўлмаган нуқсонлар мавжуд бўлса, Жамият сўровни қондиришни рад этмаслиги зарур. Агар Жамиятга акциядорнинг сўровини қондириш имконини бермайдиган муҳим нуқсонлар мавжуд бўлса, Жамият бу ҳақда уларни тузатиш имконини бериш учун акциядорга хабар қилиши зарур.

53. Ижроия органи раҳбарининг буйруғи билан акциядорлар билан корпоратив муносабатларни юритадиган тузилмавий бўлинма(бошқарма, бўлим, шўъба)нинг Жамиятнинг бошқа тузилмавий бўлинмалари ҳамда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари билан тегишли ахборотни тайёрлаш учун ўзаро ҳаракатлар Регламенти тасдиқланади.

54. Сўров асосидаги ахборот акциядорларга агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, бир ҳафталик муддатда тақдим этилади.

55. Жамият ҳужжатлар нусхасини тайёрлаш ва юбориш харажатларини сунъий равишда оширмаслиги зарур. Харажатлар миқдори ҳужжатлар нусхасини тайёрлашга ва уларни жўнатишга сарфланган ҳақиқий харажатлар миқдоридан ошмаслиги лозим.

56. Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

VII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

57. Кузатув кенгаши раиси ёхуд у вакил қилган Кузатув кенгаши аъзоси Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни расмий шарҳлашга, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши мажлисларида кўрилган масалалар бўйича Жамиятнинг тижорат сирини, хизмат сирини ташкил этувчи ахборотни ва бошқа махфий ахборотни ошкор этиш бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда, (интервью беришда, оммавий тадбирларда, телефон алоқалари доирасида ва ҳ.) Кузатув кенгашининг нуқтаи назарини ифодалашга ҳақли.

58. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларида кўрилган масалалар, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича, бунда масалага оқилона ва масъулият ҳисси билан ёндашган ва Жамиятнинг тижорат сирини, хизмат сирини ташкил этувчи ахборотни ва бошқа махфий ахборотни ошкор этиш бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда, ўз фикр-мулоҳазаларини оммавий ифодалашга ҳақли.

59. Жамият ижроия органи раҳбари, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши раиси, Жамиятнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ваколатли вакили ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари (Ижроия органи раҳбари томонидан белгиланган ваколатлар доирасида) Жамият номидан Жамият фаолиятига доир масалалар бўйича расмий баёнот бериш бўйича мутлак ҳуқуққа эга ҳисобланади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗARO АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

60. Жамиятнинг инвесторлар, кредиторлар, ҳамкорлар, мижозлар етказиб берувчилар, давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор шахслар (кейинги ўринларда – манфаатдор шахслар) билан самарали ахборот ҳамкорлигини таъминлаш Жамият ахборот сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамият томонидан ахборотни ошкор этиш ушбу шахслар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга ва уларнинг ишончига сазовор бўлишга, Жамият қийматининг ошишига ва уларнинг капитал жалб этишига олиб келиши мумкин.

61. Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш учун Жамиятда ижроия органи раҳбари буйруғи билан ахборот алмашишни амалга оширадиган масъул ходим тайинланади. Бу Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатларни юритадиган тузилмавий бўлинмаси раҳбари бўлиши мумкин.

62. Жамиятнинг масъул ходими манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим этишга доир (ёзма ёки электрон) сўровига кўра бир ҳафта ичида агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг тижорат сирини, хизмат сирини ташкил этувчи ахборотни ва бошқа махфий ахборотни ошкор этиш бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда, барча зарур ахборотни электрон кўринишда тақдим этади.

63. Ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиш зарурати туғилганда, манфаатдор шахс миқдори ҳужжатлар нусхасини тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

IX. АХБОРОТНИНГ МАХФИЙЛИГИ

64. Жамият томонидан акциядорларга ахборот тақдим этишда, муайян акциядорларнинг манфаатлари ва унинг рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим тижорат ахборотининг сақланишидан манфаатдор бўлган Жамиятнинг манфаатлари ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя этилишини таъминлаш тавсия этилади.

65. Муайян акциядорларнинг манфаатлари ва Жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатга эришиш мақсадида қонун ҳужжатларининг талабларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 24 февралда 2081-сон билан рўйхатга олинган «Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисида»ги Низом), шунингдек Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига мувофиқ Жамиятда Жамият маълумотларини махфий ахборотлар тоифасига киритиш тартибини ўз ичига олган ички ҳужжат – «Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги тўғрисида»ги йўриқнома қабул қилинади.

66. Жамият маълумотларини махфий ахборотлар тоифасига киритиш тартиби ахборотларни махфий ахборотлар тоифасига киритишнинг ва Жамият махфий ахборотлари рўйхатини тузишнинг аниқ мезонларини белгилайди.

67. «Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги тўғрисида»ги йўриқнома Жамиятнинг махфий ахборотлар рўйхатини, махфий ахборотдан фойдаланиш тартибини ва махфий ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

68. Акциядор ахборотнинг махфий характерга эга эканлиги тўғрисида огоҳлантирилиб, унинг махфийлигини сақлаш бўйича ўз зиммасига мажбурият олганидан сўнг, шунингдек қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда, акциядорга Жамиятнинг махфий ахборотидан фойдаланишга рухсат берилади.

69. Бунда Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгаши агар Жамият нуқтаи назаридан, сўралаётган ахборот характерида ва ҳажмида акциядор томонидан Жамият ахборотидан фойдаланишни суистеъмол қилиш

белгилари мавжудлиги аён бўлса, акциядор талабини бажаришга қарши эътироз билдиришга ҳақли. Бундай эътирозлар эркин ва ғаразли характерга эга бўлмаслиги ва акциядорлар учун тенг баҳрамандлик тамойилига мувофиқ бўлиши, яъни акциядорлар тенг шартларда тенг мақомга эга бўлиши лозим.

70. Жамият томонидан давлат органларига махфий ахборотни ошкор этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Х. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНING НАЗОРАТ ҚИЛИНИШINI ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

71. Жамиятнинг ахборот сиёсатини амалга ошириш Жамият ижроия органи томонидан таъминланади.

Жамият ижроия органи раҳбари ошкор этилаётган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтидалиги учун жавобгар ҳисобланади.

Ижроия органининг Кузатув кенгаши олдидаги чораклик ҳисоботи Жамият томонидан ахборот сиёсати талабларига риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига киритиши зарур.

72. Жамият Кузатув кенгаши ҳар чоракда Ижроия органининг ушбу Низом талаблари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш йўли билан Жамият ахборот сиёсатининг амалга оширилишини назорат қилади.

Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида, сифатли ва ишончли ошкор этилиши Жамият Ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан ва унга ҳақ тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.

73. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият мансабдор шахсларига Кодекс тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодекса назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

74. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ХI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

75. Ушбу Низом мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгаши мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда, Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

76. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги, Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ўзгарганлиги муносабати

билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгаши мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда, Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

77. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.